
ДАНҒАРА ТУМАНИДА “АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА “МАҲОРАТЛИ ЎЗБЕК АЁЛИ” КЎРИК-ТАНЛОВИ.

Маълумки, яқинда бўлиб ўтган Президент бошчилигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида жамиятда аёллар ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан бир қатор масалалар муҳокама этилди. Ҳар бир ҳудудда “Аёллар дафтари” шакллантирилиб, унга қўллаб-қувватлашга муҳтож ишсизлар киритилиши ва манзилли иш йўлга қўйилиши таъкидланди.

Республикаимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани Данғара туманида ҳам аёлларнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2021 йил 12 март куни Данғара тумани “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш” бўлими ташаббуси билан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ўртасида ташкил этилган “Маҳоратли ўзбек аёли” кўрик-танловида 1-сектор ҳудудидаги маҳалла раисларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Кўрик-танлов якунларига кўра, ғолиблар “Энг намунали маҳалла” фахрий ёрлиғи билан тақдирланди ва туман ҳокими ҳамда сектор раҳбарлари томонидан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга эсталик совгалари топширилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-03-13 08:51:00